

## ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ БОШҚАРИШДА НОТАРИФ ЧОРАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Муртозов Бехруз Содик ўғли**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ходими*

*e-mail: [bexruz.murtozov.4991@mail.ru](mailto:bexruz.murtozov.4991@mail.ru)*

Халқаро савдо муносабатларини тартибга солишда нотариф тўсиқлар (НТТ) муҳим ўрин тутди, чунки улар тариф чораларидан фарқли ўлароқ, товарлар ва ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан техник, сифат, хавфсизлик, атроф-муҳит ва миллий хавфсизлик стандартлари орқали таъсир кўрсатади.

НТТ халқаро савдо сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, уларнинг қўлланишида илмий ва амалий муносабатлар бир-бирига зид келади. Ушбу тўсиқларнинг аҳамияти глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётларни ҳимоя қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш ва халқаро стандартларга мослашишда намоён бўлади.

2009–2019 йилларда 152 та Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзоси давлатларда НТТ сони 389 дан 2016 тагача ошиб, 418% ўсиш ыайд этилди. Бу тўсиқлар 177 турдаги товарларга нисбатан қўлланилиб, халқаро савдо ҳажмини 16% га қисқартирган. Шу билан бирга, НТТ тариф ўзгаришларига нисбатан ўртача 55% ва бошқа протекционистик чораларга нисбатан 25% кўпроқ ишлатилмоқда, бу уларнинг савдони тартибга солишдаги устунлигини кўрсатади.

НТТ икки асосий гуруҳга бўлинади: техник тўсиқлар ва тўғридан-тўғри чекловчи чоралар. Техник тўсиқлар товарлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади, масалан, санитария, фитосанитария, ветеринария стандартлари, сертификатлаштириш, метрология, аккредитация, этикетка ва қадоқлаш қодалари. Улар ЖСТнинг “Техник савдо тўсиқлари тўғрисидаги битим” (1994 йил 15 апрель) билан тартибга солинади ва маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги ва атроф-муҳитга таъсирини назорат қилади.

Тўғридан-тўғри чекловчи чоралар эса импорт ёки экспортни тўлиқ ёки қисман тақиқлашга қаратилган бўлиб, квота, лицензия, эмбарго, маҳаллий компонент талаблари ва мавсумий чекловларни ўз ичига олади. Бу чоралар кўпроқ миллий даражада қўлланилиб, иқтисодий ва сиёсий мақсадларга хизмат қилади.

ЖСТ техник регламентлари 12 та асосий принципга асосланади: ҳаёт, соғлиқ, мулк, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; халқаро стандартлардан фойдаланиш; шаффофлик ва илмий асосланганлик; импортчиларга миллий муомала; пропорционаллик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлик; миллий



регламентлар базасига кириш имконияти; сифат мослиги бўйича икки ва кўп томонлама шартномаларни рағбатлантириш; чет эл сифат назорати муассасаларининг миллий жараёнларда иштироқи; стандартларни ихтиёрий қўллаш. Ушбу принциплар НТТнинг адолатли ва дискриминациясиз амал қилишини таъминлайди.

Алоҳида мамлакатлар мисолида АҚШ импортга қарши 796 та, экспортга қарши (бошқа давлатлар томонидан) 1747 та НТТ қўллаган; Хитой мос равишда 112 ва 1909 та; Германия 131 ва 2002 та. 2012–2016 йилларда АҚШ, Хитой ва Европа Иттифоқи давлатларида НТТ сони 414 дан 361 тагача бўлган, тариф ўзгаришлари 151 дан 91 тагача, савдо ҳимояси чоралари 194 дан 140 тагача камайган, бу НТТнинг устунлигини тасдиқлайди. Осиё-Тинч океани минтақасида (Бангладеш, Хитой, Ҳиндистон, Непал, Покистон, Корея Республикаси, Япония ва бошқалар, жами 50 давлат) электр жиҳозларига 460 та, кимё хомашёсига 211 та, металлга 135 та, озиқ-овқатга 120 та НТТ қўлланилган, гарчи улар камайиш тенденциясини кўрсатса-да, ҳали ҳам муҳим чекловчи омил бўлиб қолади.

Гравитацион усул (физика қонуни ва Б. Рейли қонунига асосланган) орқали 2002–2011 йилларда 103 та ЖСТ аъзосида ЯИМ маълумотлари таҳлил қилиниб, НТТ импортни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатса-да, экспорт-импорт муносабатларини оптималлаштириш учун сақланиши кераклиги аниқланган. НТТнинг ижобий таъсири сифат ва хавфсизликни таъминлашда, рақобатбардошликни оширишда, халқаро стандартларга мослашишда, миллий хавфсизликни кучайтиришда ва экологик барқарорликни сақлашда кўринадди. Улар маҳсулотларнинг ҳаёт ва соғлиқ учун хавфсизлигини, ишлаб чиқариш жараёнининг экологик нормаларга мослигини, зарарли моддалар ва чиқиндиларни чеклашни кафолатлайди.

Салбий таъсир эса импорт ҳажмининг қисқариши, нархларнинг ошиб бориши, монополиялар пайдо бўлиши, дискриминация хавфи, ноаниқлик ва ўзгарувчанлик, иқтисодий фойданинг камайишида намоён бўлади. Асосланмаган ва сиёсий мақсадли НТТ узок муддатда рақобатбардошликни пасайтиради. Халқаро амалиётда Бразилия товуқ гўштига (2003 йилдан), Европа Иттифоқи озиқ-овқат этикеткасига (2011 йилдан), Мексика парфюмерия ва косметикага (2012 йилдан), Туркия тамаки ва алкоголь маҳсулотларига (2007 йилдан), Япония захарли моддаларга (2010 йилдан) қатъий талаблар қўйган. Бу чоралар истеъмолчиларни ҳимоя қилса-да, экспортчи давлатлар учун қийинчилик туғдиради.

НТТнинг таъсири икки томонлама бўлиб, уларни тўлиқ рад этиш мумкин эмас. Баъзи тадқиқотчилар НТТни бюрократик ва дискриминацион деб ҳисоблаб, улардан воз кечиш иқтисодий ўсиш ва савдо соддалашувини таъминлайди дейди. Бошқалар эса уларнинг соғлиқ, атроф-муҳит ва ёш тармоқларни ҳимоя қилишдаги



ролини таъкидлайди. Масалан, озиқ-овқат стандартларининг гармонизацияси экспорт нархини 0,12% га пасайтириб, импортчи давлатга фойда келтиради. ЖСТ даражасида НТТни тартибга солиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур: миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, сифат ва мосликни баҳолашнинг ягона қоидаларини яратиш, назорат тизимини такомиллаштириш, аккредитация, стандартлаштириш, метрология ва бозор назорати бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, ахборот ресурсларини интеграциялаш. Бу интеграция жараёнларини кучайтириб, асосланмаган НТТдан воз кечиш ва халқаро савдода сифат, хавфсизлик ва самарадорликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, НТТ халқаро савдода бозорга киришни чеклаш, дискриминация, импортнинг пасайиши, ноаниқлик ва иқтисодий зарар келтириши мумкин, лекин улар маҳсулот ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини, рақобатбардошликни, миллий хавфсизликни, соғлиқ ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни, миллий савдони халқаро стандартлар билан гармонизациялашни таъминлайди. Уларнинг ижобий таъсири устун бўлгани учун ЖСТ даражасида ягона стратегия қабул қилиш халқаро савдо-экономик муносабатларнинг глобаллашуви ва техник регламентлаштиришнинг янги тизимини яратишга хизмат қилади.